

Марвин ТОМАС: “Бухоро декларацияси” жаҳон ҳамжамияти учун катта ютуқ



«Декларациялар мулоқоти» форумида эксперт сифатида иштирок этаётган Буюк Британиянинг «CSW» (Христианлар бирдамлиги) инсон ҳуқуқлари ташилоти президенти Марвин Томас ўз маърузасида “Бухоро декларацияси”ни тарихий воқеа, деб атади:

-Аввало, Ўзбекистон томонига, ушбу нуфузли анжуман ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдирмоқчи эдим.

Бухоро декларацияси қабул қилиниши - тарихий воқелик, Ўзбекистон ва бутун дунё ҳамжамияти учун катта ютуқ. Мазкур ҳужжат шунчаки фикрлар мажмуаси эмас, балки кўп йиллик фаол амалий саъй-ҳаракатлар натижаси, олдинги декларацияларнинг мантиқий йиғиндиси кўринишидаги аҳамиятли қўлланма сифатида амалий ҳаракатлар изчиллигини таъминлаши зарур.



Шу ўринда мамлакатингизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Сўнгги йилларда эришилган кўплаб ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, бу ҳаракатлар тўхтатмаслигини истардим. Зеро, айниқса, бугунги тез ўзгарувчан глобал дунёда соҳага нисбатан шундай ёндашув жуда муҳим. Соҳада хизмат қилаётган мутахассис борки, умумий ишимизга ҳисса қўшиши керак, чунки олдинга ташланган ҳар бир ижобий қадам маъқулланади, қўллаб-қувватланади.

Манба